

Бериш ёқимлими ёки олишми?



11:00 / 25.02.2024 3859

Ҳикоя қилишларича, бир олим шогирди билан бирга дала оралаб кетаётган эди. Улар йўлда эски поябзал кўриб қолишди, яқин орадаги далада меҳнат қилаётган деҳқоннинг оёқ кийими бўлиши мумкин, ишини тугатиб, сўнг олиб кетса керак, деб ўйлашди. Шогирд устозига: «Устоз бу деҳқонга бир ҳазил қилсак нима дейсиз, унинг оёқ кийимини яшириб, ҳолатни кузатайликчи, у қандай йўл тутар экан», деди.

Устоз шогирдига: «Биз бошқаларни хафа қилиб ўзимизни хурсанд қилишимиз, нотўғри бўлади. Бироқ сен бадавлат, қўлида катта мулкка эга инсонсан. Ўзинга ҳам ўша оддий деҳқонга ҳам саодатни жалб қилиш имкони бор. Бунинг учун сен пулингдан олгинда деҳқоннинг оёқ кийимига солиб қўй. Ана ундан кейин фақир кишининг бу ишга қандай муносабатда

бўлишини кузатиш учун бирор жойга беркиниб ол», деди.

Шогирдга бу таклиф ёқди ва устози айтганидек деҳқоннинг поябзали ичига маълум миқдорда пул солиб, ўзлари дарахт ортига беркиниб олдилар. Бироз вақт ўтиб деҳқон даладаги ишларини якунлаб, кийимларини қоққанча поябзалини олиш учун келди. Оёқ кийимини энди киймоқчи бўлган эдики, ичида нимадир борлигини пайқаб қолди. Қараса, маълум миқдорда пул бор экан. Чап оёғига ҳам поябзалини киймоқчи бўлганди, унда ҳам пул бор экан. У бу ҳолатдан ҳайрон бўлиб, поябзал ичидаги пулларга қараб турди. Туш кўрмаётганига ишонч ҳосил қилиш учун пулга тикилганча бир муддат туриб қолди. Сўнг атрофга назар ташлади, бироқ ҳеч ким кўринмади. Пулларни ҳамёнига солиб, хорлик ҳолига тушиб, икки қўлини дуога очиб, кўзида ёш билан баланд овозда Роббисига нола қила бошлади: «Эй Роббим, Ўзинга шукрлар бўлсин. Эй аёлимнинг беморлигини, фарзандларимнинг оч қолиб, нон топа олмаётганини билган Буюк Зот, мени ва оиламни ҳалокатдан қутқардинг».

У шу ҳолда узоқ вақт қўлини дуога очган ҳолда йиғлаб, Аллоҳ таолонинг берган неъматини учун Унга шукр қилди. Бу ҳолатни кўрган шогирд таъсирланиб, кўзлари жиққа ёшга тўлди.

Устози ундан: «Поябзални яшириб қўйиш ҳақидаги биринчи таклифидан кўра, ҳозир ўзингни бахтиёр ва хотиржам ҳис қилмаяпсанми?», дея ундан сўради.

Шогирд: «Модомики, тирик эканман, умр бўйи ибрат бўладиган дарс ўтиб бердингиз. Ҳаётим давомида тушунмаган мана бу гапнинг маъносини энди англаб етдим: «Бераётганиндаги ҳаловатни олганинда туядиган саодатдан кўра кўпроқ ҳис қиласан», деди.

Устоз: «Эй ўғлим, билиб қўй, бериш бир неча турли бўлади:

Жазолашга қодир бўла туриб, уни кечириб юборишинг — энг катта ҳадядир.

Биродарингнинг ҳақиқага ғойибона дуо қилишинг — энг катта ҳадядир.

Биродаринг учун узр иташинг, у ҳақда ёмон гумон қилмаслигинг — энг катта ҳадядир.

Биродарингнинг обрўсига тил теккизишдан сақланиб, уни ғийбат қилмаслигинг — энг катта ҳадядир».

Нозимжон Ҳошимжон & Хуршид Маъруф

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2023 йил 16 июндаги 03-07/4775-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.